



## 1920-30 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН АССР СУД-ПРОКРАТУРА ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

**Низомиддинов Одилжон Баходирович**  
*Ўқитувчи Фарғона давлат университети*

**Аннотация:** Ушбу мақолада 1920-30 йилларда Туркистон АССРда суд-прократура ва органлар тизимининг ташкил этилиши, унинг фаолияти ва жамиятга таъсири хусусида айтиб ўтилади. Шунингдек, Фарғона вилоятида бу ташкилотар ташкил топishi, унинг олиб борган сиёсати ҳақида фикрлар берилди.

**Калит сўзлар:** АССР, суд, прократура, генерал-губернатор, низом, касба уюшма, Марказий Осиё

Тарихдан маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярми, аниқроғи, 1870 йилларгача Марказий Осиёда учта давлат - Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари мавжуд эди. Бу уч давлатда ҳам шариат қонун-қоидаларига амал қилиб келинган. Ислом қонунчилигида шариат меъёрлари бажарилиши устидан назорат қилувчи алоҳида махсус идора тузилиши кўзда тутилмаган. Бироқ бу вазифа хонлар, амирлар, уларнинг жойлардаги беклари, уламолар, қозилар, муфтий ва аъламлар томонидан бажариб келинган. Хонлар, амирлар ва беклар “ислом қонун меъёрларининг олий ҳимоячиси” ҳисобланган ва унинг бузилишига йўл қўйганлар улар томонидан қаттиқ жазоланган.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Марказий Осиё чор Россияси томонидан босиб олинганидан сўнг Қўқон хонлиги ҳудудида тўла, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ерларининг айрим қисмларида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топди. Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли ерларда Сирдарё вилояти (1867 й.), Фарғона вилояти (1876 й.), Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан босиб олинган ерлар қўшилиб Зарафшон округи (1868 й.), Амударё округи (1873 й.) ташкил қилинди. Фарғона вилояти 1873 йилги Муваққат низомга асосан ташкил этилган бўлиб, қуйидаги уездлардан иборат бўлган: Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган, Ўш ва Чуст[1.].

Туркистон ўлкаси ҳарбий генерал-губернатори мустамлака ҳудудларида ҳукмронлигини тўла амалга ошириш учун «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида» Низом лойиҳасини тузишга киришади. Низом лойиҳаси 1868 йил 11 июнда тайёрланади. Лойиҳа Россияда қонунларни қабул қилувчи олий ҳокимият томонидан фақат 1886 йилда тасдиқланади ва ўшандан кейингина қонуний кучга эга бўлади. Шу йиллар давомида у лойиҳа шаклида бўлишига қарамай, Туркистон ўлкасида амалда тўла қўлланиб келинган. Низомда Туркистон ўлкасида судларни тузиш билан бирга қози ва бий судлари ҳам сақланиб қолди. Фақат номи «халқ суди» деб ўзгартирилди, холос.





Ҳукумат мустамлакачилик тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши маъмурий ва суд вазифаларининг бўлинишида, империянинг янги буржуазияга хос суд низомларига мослаштирилган суд терговчилари, прокурор назорати, адвокатура ҳамда оқловчилар институтининг яратилишида кўринди. Улар ҳарбий-маъмурий тизимда ўзига хос посанги бўлиб хизмат қилди, айти пайтда уларнинг фаолияти чекланган эди. Шу боис, улар ҳудуддаги рус аҳолисининг юқори ва ўрта қатламларигагина ўз таъсирини ўтказа олди. Эркинлаштирилган низомлар асосидаги янгича ўз ҳуқуқуни таниш ва мулк дахлсизлиги ҳуқуқи илгаригидек бутунлай чор амалдорлари томонидан назорат қилинди, “халқ” судлари хизматидан фойдаланувчи туб аҳолининг кўпчилигига эса мутлақо дахл қилмади.

Чор ҳукуматининг давлат бошқарувидаги мавжуд инқирозли ҳолатни бартараф эта олмаслиги Февраль инқилобига олиб келади. Февраль инқилоби натижасида мамлакатда ўрнатилган Муваққат ҳукумат мамлакатни бошқариш соҳасида келишмовчиликлар охир-оқибат Октябрь давлат тўнтаришига олиб келади.

Ана шундан бошлаб, СССРда давлат фаолиятининг мустақил шакли сифатида прокуратура таъсис этилди. Унга “Давлат номидан барча ҳокимият органлари, хўжалик муассасалари, оммавий ва хусусий ташкилотлар, шунингдек, хусусий шахсларнинг ҳаракатлари қонунийлигини назорат этиш, айбдор шахсларга нисбатан жиноий тазйиқ ўтказиш ва қонунга хилоф қарорларга эътироз келтириш орқали ўз вазифасини амалга ошириш” ҳуқуқлари берилган эди[2.].

Ўша йилларда Туркистон ўлкасининг олий ҳокимият органи – Марказий Ижроия Қўмитаси қонун меъёрларини ишлаб чиқиш билан чекланмасдан балки амалдаги қонунларнинг бажарилиши устидан ҳам назорат олиб борарди. Шу билан бирга, ҳамма учун бажарилиши мажбурий бўлган қонунларнинг бузилишига йўл қўяётганларни қидириб топиш, уларнинг жиноятларини фош қилиш ва инқилобий қонун нормаларини қўллаб, жазо берилишини таъминлаш вазифасини Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгаши амалга оширади.

Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикасида прокурор назорати ҳақида 1922 йил 31 октябрда қабул қилинган Низомга юқоридаги талаб ва тартиблар асос қилиб олинди. Низом талаблари дастлаб, Туркистон прокуратураси, сўнграқ Ўрта Осиё республикалари қайта ташкил қилиниб, бўлиб юборилганидан сўнг Ўзбекистон ССР прокуратураси томонидан тадбиқ этила борди.

Дастлабки даврда прокуратура органлари учун малакали мутахассислар етишмаган. Шунинг учун Туркистон Советлари XI съездида (1922 йил декабрь) Тошкент давлат университети ижтимоий фанлар факультети қошида ҳуқуқшунослик бўлимини ташкил этиш таклиф этилади. Лекин ушбу факультет прокуратура органлари учун бирданига кадрлар билан таъминлай олмасди.





Шунинг учун 1924 йил бошида олти ойлик юридик курслар ташкил этилган. 1924 йил 2 октябрь куни курсни дастлабки кадрлар битириб чиқадилар. Дастлабки битирувчилар умумий сони 112 киши бўлиб, уларнинг 53 таси ўзбек кадрлари эди. Масалан, кейинчалик Фарғона вилоят Фрунзе тумани прокурори бўлиб ишлаган Холмат Раҳимов айнан шундай курсларни тамомлаганлардан бири эди [3.]. Лекин бу каби қисқа муддатли курслар ҳам Республикадаги прокуратура ходимларига бўлган эҳтиёжни қопламас эди. Шунинг учун бу эҳтиёж соҳага яқин бўлган тармоқлар: ички ишлар, ҳарбий трибунал, судларда хизмат қилган фуқароларни бевосита шу соҳага жалб қилиш орқали қондирилган. Масалан, Фарғона округи прокурори ёрдамчиси Ҳасан Ўразаев ушбу лавозимгача асосан Қизил армия, инқилобий трибуналда таржимон, ички ишлар бошқармаси каби тармоқларда ишлаган. У 1927-1928 йилларда эса Фарғона округ прокурори ёрдамчиси лавозимида фаолият кўрсатган. Шу билан биргаликда, 1896 йил Фарғона шаҳрида туғилган Ғиёс Исҳоқов совет ҳукумати ўрнатилгач, 1918-1924 йилларда ГПУ (кейинчалик ОГПУ) сафида хизмат қилган. У бу соҳадаги фаолиятини 1 ойлик сиёсий курслардан бошлаганди. Ўзбекистон ССР ташкил этилгач, 1925-1927 йилларда Адлия Халқ комиссари ва республика прокурори вазифасини бажарган. 1937 йил 16 ноябрда НКВД томонидан қamoққа олинган 1955 йилда озодликка чиққан. 1956 йил сиёсий жиҳатдан оқланган ва партия аъзолигига тикланган.

Туркистон ўлкасида дастлаб прокурор вазифасини асосан марказдан келган мутахассислар бошқарган. Масалан, 1924 йил сентябргача Фарғона вилоят давлат прокурори вазифасини Погодин бажарган [4.]. 1924 йил сентябрь ойдан Фарғона вилоят давлат прокурори прокурори вазифасини Қирғизбоев бажарган [5.].

Туркистон АССР Прокуратураси ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида кадрлар етиштириш масаласини ижобий ҳал қилди, прокуратура органларининг моддий ва молиявий таъминоти яхшиланди, прокуратура бўлимлари орасидаги ўзаро алоқалар жонлантирилди.

1920 йилларда янги ташкил этилган прокуратура зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган эди: “1920 йилларда вилоят прокуратураси асосан босмачиликка (совет ҳукуматига қарши қуролли ҳаракат) қарши кураш, уни тугатиш, қишлоқ хўжалиги ишларини яхшилаш, эгасиз ерларни рўйхатга олиш ва уларни ерсиз деҳқонларга бўлиб бериш, пахтачиликни яхшилаш, донли экин ерларини кенгайтириш, солиқ тизимини яхшилаш, савдо ва коперация, аҳоли ойлик маошлари масаласи, ишсизликни тугатиш, саводсизликка қарши кураш, соғлиқни сақлаш, суд ҳамда халқ суди устидан назорат ва бошқа ишлар” [6.].

Ўрта Осиёда миллий ҳудудий чегараланишлар (1924) ўтказилиши натижасида Ўзбекистон ССР тузилгандан сўнг республиканинг марказий ва маҳаллий давлат органларини, жумладан, адлия органларини ташкил этиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Лекин миллий-худудий





чегараланишдан кейин режалаштирилган миллий республикалар прокуратураларини тубдан ташкил этиш амалга ошмади.

1925 йил 6 майда Ўзбекистон ССР МИҚ Президиуми “Халқ юстиция комиссарлиги ҳақидаги” қарорни тасдиқлади. Унга мувофиқ, халқ юстиция комиссари бир вақтнинг ўзида республикада давлат прокурори ҳисобланган. Уни Ўзбекистон ССР МИҚ Совети томонидан тайинланган. Жумладан, шу қатори Олий судда кўрилаётган ишларнинг устидан қонунийликни назорат этиш учун Ўзбекистон ССР Олий Судининг Прокурори лавозими жорий этилди. Маҳаллий органлар прокурорларига давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти қонунийлиги устидан назорат ўрнатиш вазифасига ўзгартирилди. Хуллас, Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши билан республика ҳудудида мавжуд даражадаги фаолият олиб борадиган прокурор назорати системаси ўрнатилди. Жойлардаги ҳукмрон партия ва совет органлари томонидан маҳаллий идоралардаги тезкор тергов-прокуратура аппарати ишларига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учрай бошлади.

Бизга маълумки, 1925-1929 йилларда Республикада Ер-сув ислоҳоти ўтказилган. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида бўлганидек, прокуратура органлари ҳам қисман ушбу ишга жалб этилган. Ислоҳотни муваффақиятли ўтказиш мақсадида ушбу ишга жалб қилинган прокуратура органлари зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган. Жумладан, “Фарғона вилоят Советлари иккинчи съезди Прокуратура ҳисоботини эшитганидан сўнг аҳоли ўртасида тарғибот ишларини тезлаштириш мақсадида қуйидагиларга қарор қилади:

1) Прокуратура ва Суд органлари ҳамда юқори бошқарув органлари томонидан қуйи органларда қатъий тартибни ўрнатиш мақсадида назоратни кучайтириш керак. Ушбу назоратда асосан қонунчиликка эътибор бериш кераклиги, қонун ва тартибни бузувчиларга қарши аёвсиз курашиш кераклиги ҳамда уларни қонун олдида жавобгарлигига эришиш кераклиги;

2) Инқилобий қонунлар тартиби учун курашилганида маъмурий органларнинг суд ишларига аралашувини олдини олишга эътибор қаратиш керак;

3) Қишлоқ аҳолиси орасида, аёллар клуби, касаба уюшмалари, “Кўшчи” иттифоқи, имкониятга қараб қизил чойхоналар қошида юридик консультациялар ташкил этиш керак. Ушбу консультация ишларини амалга оширишда юридик маълумоти бор барча шахслар: маърифатчилар, касаба уюшмалари ходимлари ва бошқа жамоат органлари ходимларини жалб қилиш керак. Инқилобий ҳуқуқни амалга тадбиқ этиш учун ҳар бир мансабдор шахс ўз ишида ушбу масалага эътибор қаратиши керак;

4) Ишчи ва деҳқонлар орасида халқ мажлислари ташкил этиб, уларда маҳаллий аҳоли орасидан эркаклар билан бирга аёлларни ҳам жалб қилиш керак;





5) Аҳоли орасида ишчи в деҳқонлар қизиқтирадиган ҳуқуқий масалалар борасида кўпроқ тарғибот олиб бориш керак;

6) Машҳур юридик адабиётларни маҳаллий тилда нашр этиш керак ва уларни аҳоли орасида ёйилишига эътибор қаратиш керак. Шунинг билан бирга, алоҳида олинган қишлоқларда суд ва суриштирув масалалари бўйича маҳаллий тилда кодекс ва қонунларни тушунтириш керак.

7) Ишлаб чиқаришдаги жиноятлар, камомадлар ва катта миқдордаги талончиликларга қарши назорат гуруҳини ташкил этиш ҳамда уларга қарши қаттиқ назорат чораларини кўриш керак.

8) Ҳокимият тизимида ишловчиларнинг ваколатини суистеъмол қилганлар, ўз ваколатини суистеъмол қиладиган маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари вакиллари устидан алоҳида ишлар бўйича қишлоқларда очиқ судни ташкил этиш керак. Уюштирилган очиқ судларнинг мажлислари ҳақидаги маълумотлар маҳаллий ва марказий газеталар саҳифаларида ёритилиши керак.

9) Ходимлар қишлоқларга чиқиб, ишга тааллуқли деҳқонларни ёки шахсларни сўроқ қилишни жойларда ташкил этиш керак.

10) Хотин-қизлар ҳуқуқларини бузилишига қарши жамоат тартибида ишлайдиган хотин-қизларни ишга жалб этиш чораларини кўриш.

11) Прокуратура органлари жиноятларга қарши ишчи ва қишлоқ аҳолисини жалб этиши керак. Прокуратура органлари ишни секинлаштирувчи ҳар қандай ҳолатга қарши аёвсиз курашиши керак.

12) Ишларни кўриб чиқишга масъул бўлган юстиция органлари ходимлари соғлигига эътибор берилиши шарт. Одамлар ишончини йўқотган юстиция ходмлари ишдан четлаштирилиши шарт. Бунда умумий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда ортиқча ишдан бўшатиш ва ротацияга йўл қўйилмаслиги керак.

13) Суд ва прокуратура органлари ўз ишларида муваффақиятни таъминлаш учун суд-тергов органлари ишини кенгайтириш керак.

14) Юстиция ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун жойларда қисқа муддатли Вилоят юридик курслар ташкил этилиши керак, жойлардаги юридик ишларни жонлантириш мақсадида ишчилар малакасини ошириш учун суд-тергов органларининг малакали ходимлари иштирокида уезди ва вилоят съездларини ташкил этиш керак[7.].

Шу билан биргаликда, 1920-йиллар охирида прокуратура органлари халқ хўжалиги қонунлар бузилишига қарши курашларда фаол бўлган. Масалан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун берилган ссудаларни ўз вақтида ва қонуний қайтариш, қишлоқ хўжалиги солиғи масаласидаги ноқонунийликка қарши курашда ҳам фаол қатнашган. Масалан, 1920-йиллар охирида прокуратура органлари 20 та ноқонуний ҳаракат ҳақида иш кўзғатилган. Масалан, Фарғона тумани Муян қишлоғида қишлоқ хўжалиги солиғини бир йил учун бир мартада тўлаш талаб қилинган ва солиқ идоралари ходимлари ушбу масалада деҳқонларга таҳдид қилишганлиги аниқланган [8.]. Бундан ташқари,



қулоқлар ерлари ва мулкларини мусодара қилишда, хотин-қизларни озодликка чиқаришда ҳам қатнашганлар. Масалан, МИҚ қарорига биноан Фарғона вилоятида 12 хўжалик ери мусодара қилиниши керак бўлиб, улар сони ҳудудлар бўйича қуйидагича эди: Марғилон туманида 5, Олтиариқ ва Қува туманларида 2 тадан ва Поп туманида 3 та. Кўрсатиб ўтилган ҳудудларда жами 604 таноб ер, 17 та от, 22 та буқа, 25 сигир, 67 та эчки, 93 та қўй, ҳудудларида қурилган тегирмон, ёғ-мой тегирмонлари (цехлари), дўконлари, меҳнат қуроллари, озик-овқат захиралари (10 пуд ғалла маҳсулотлари) мусодара қилинган. Мусодара қилинган ашёлар биринчи ўринда колхозларга, сўнгра камбағал деҳқонларга тарқатилган [9.]. Аҳолини ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида одамлар ўртасида юридик консультациялар уюштирилган. Масалан, Фарғона ва Марғилон шаҳарларига чақирилган. Қўқонда юридик консультация йирик заводлар клубларида ташкил этилган. Фарғонада заводлар клубларида 7 та консультация ташкил этилган. Марғилон шаҳрида консультациялар ипак фабрикаси ва қизил чойхоналарда ташкил этилган. Туманларда: Олтиариқ, Бешариқ, Поп ва Федченко станциясидаги консультациялар судлар раҳбарлигида амалга оширилган. Касаба уюшмалари, партия, округ ва туманларда, съезд ва конференцияларда махсус навбатчилик ташкил этилган. Байрам кунлари ушбу масалага масъул этиб суд ва прокуратура органлари ходимларининг Округ судида махсус навбатчилиги ташкил этилган [10.].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Туркистонда, хусусан, Фарғона вилоятида адлия тизими давлат вакиллари ва жамият ичида содир бўладиган жиноятлар ҳамда қонунбузарликларни олдини олиш мақсадида ташкил этилган эди. Лекин айловларга нисбатан кўрилган жазолар аксарият ҳолларда шахсий манфаатлар учун хизмат қилди.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Абдураҳимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент. Академия, 2002. С. 97
2. Абдураҳимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент. Академия, 2002. С. 129
3. ФВДА. Ф. 1086. 1. р. йж. 303. 9-варақ.
4. ФВДА. Ф. 121. 2. р. йж. 114. 19-варақ.
5. ФВДА. Ф.1086. 1. р. йж. 303. 9-варақ.
6. ФВДА. Ф. 121. 2. р. йж. 114. 20-25 варақлар.
7. ФВДА. Ф.121. 2. р. йж. 451. 93-95 варақлар.
8. ФВДА. Ф.324. 1. р. йж. 104. 373-варақ.
9. ФВДА. Ф.324. 1. р. йж. 104. 373-варақ.
10. ФВДА. Ф.324. 1. р. йж. 104. 375-варақ.





11. Nizomiddinov, O., Tulqinjonov, S., & Mirzaeva, D. (2020). ISSUES OF SPIRITUALITY IN" TEMUR TUZUKLARI". *Теория и практика современной науки*, (5), 44-46.

12. Nizomiddinov, O. (2021). The Importance Of The Documents Of The Regional State Archive In The Research Of The History Of The Autonomy Of Turkestan. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(11), 53-57.

13. Nizomiddinov, O. (2021). Establishment of a single state archive fund in the republic of turkistan (on the example of the fergana regional state archive). *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 11(11), 822-825.

14. Yuldoshev, S. V. (2021). Pedagogical Analysis And Methodology Of Children's Games. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(11), 36-40.

